



«СОҲИБҚИРОН АМИР ТЕМУР ҲАРБИЙ САНЪАТИ» ИЛМИЙ-ОММАБОП КИТОБИ ҲАҚИДА

Абиллов Ўрол Муродович

Тошкент тиббиёт академияси Ижтимоий фанлар кафедраси

профессори, фалсафа фанлари доктори

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7704804>

ARTICLE INFO

Received: 26th February 2023

Accepted: 06th March 2023

Online: 07th March 2023

KEY WORDS

Амир Темур, темурийлар, соҳибқирон, саркарда, ҳарбий санъат, давлатчилик, уруш.

ABSTRACT

Ушбу мақола Амира Темурнинг ҳарбий санъати, саркардалик даҳоси, ҳарбий истеъдоди ва маҳорати, жаҳон ҳарбий санъатида қўшган улкан ҳиссаси ҳақида ёзилган китобга бағишланган.

Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Қуролли Кучлар Академияси ходимлари ф.ф.д., профессор, полковник Р.С.Самаров, соц.ф.н., заҳирадаги подполковник С.Ю.Ахроров, Тошкент Давлат Шарқшунослик университети доценти, ф.ф.д. Ж.М.Холмўминов ҳамда Жамоат хавфсизлиги университети ходими, психология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), капитан С.Р.Садриддиновлар томонидан тайёрланган китобда баён қилинишича ва умуман маълумки, инсоният тарихида шундай даврлар борки, унда буюк ишларга тайёр миллатлар, ўзининг йўлбошчилари етакчилигида, тарихнинг муайян қисқа босқичларида минг йилларда қўлга киритиш мумкин бўлган натижаларга эришганлар. Айнан ана шундай даврлар инсоният тарихига шу миллатга мансуб буюк кишиларнинг ўчмас номини битади, жаҳон маданиятини бойитади, умумбашарий тараққиётга катта ҳисса бўлиб қўшилади.

Темур ва темурийлар даври худди ана шундай, мўғул босқинчиларидан озод бўлган халқимизнинг миллий даҳоси энг юксак чўққига кўтарилган даврдир. Бу давр фалсафаси халқимизнинг соҳибқирон Темур бошчилигида озодликка эришган ва мустақилликни сақлаш ҳамда мустаҳкамлаш учун амалга оширган буюк ишларининг ифодасидир. Бу халқимизнинг марказлашган давлат тузиш, миллий давлатчилигини тиклаш ва барқарор қилиш, мустақил яшаш орзуларининг ушалган давридир. Унинг фалсафасида ҳам ана шу жиҳатлар яққол кўзга ташланади ва бу мерос бугунги миллий онг ва истиқлол мафқурасининг фалсафий негизлари орасида алоҳида ўрин тутади.

Амир Темур моҳир ҳарбий саркарда сифатида ном қозонди. У ўз ҳаётини Мовароуннаҳр халқининг фаровонлиги, юрт ободончилиги учун сарфлади, унинг даврида ҳашаматли бинолар, қурилиш иншоотлари, гўзал боғлар бунёд қилинди, мактаб ва мадрасалар, масжидлар қурилди, мамлакатимиз Шарқнинг гўзал худудига айланди.

Соҳибқирон Амир Темур яратган қудратли армия жаҳоннинг ўша даврдаги энг илғор армияси сифатида тан олингани, кейинчалик ҳам буюк саркардалар, ҳарбий



мутахассислар томонидан эътироф этилгани, бир неча асрлар мобайнида ибрат ва андоза вазифасини ўтагани ҳамда ҳарбий санъат тарихи сифатида кенг кўламда ўрганилгани бежиз эмас. Ҳарбий санъат тарихи Соҳибқирон Амир Темурни ҳақли равишда жаҳоннинг энг буюк саркардаларидан бири сифатида эътироф этади. Буюк бобомизнинг ҳарбий истеъдоди асосан икки йўналишда: моҳир ҳарбий ташкилотчи ва атоқли саркарда сифатида ёрқин намоён бўлган.

Соҳибқирон Амир Темурнинг жаҳоншумул обрў-эътибор ва шон-шуҳрат қозонишида бош омил ҳисобланган жиҳат, яъни саркардалик даҳоси, ҳарбий истеъдоди ва маҳорати, жаҳон ҳарбий санъатига қўшган улкан улуши борасида кўпдан-кўп фикр-мулоҳазалар, илмий ҳамда бадий асарлар мавжудлигига қарамасдан, бу борадаги изланишларни узлуксиз давом эттириш, Соҳибқироннинг ҳарбий иш соҳасидаги тактик ва стратегик бошқарувга доир бўлган янгидан-янги қирраларини кашф этишга хизмат қилади.

Соҳибқирон Амир Темур жаҳон ҳарбий санъати ривожига қўшин тузиш ва уларнинг ҳар томонлама таъминоти тизимини яратиш, қурол аслаҳаларни сахро ва тоғли ҳудудларда қўлланилишини инobatга олган ҳолда такомиллаштириш, фаол мудофаани таъминлашда турли қўшин турларини (пиёда, суворий, муҳандислик ва бошқа) ҳамкорликда қўллаш тартибини, бир вақтнинг ўзида бир қўшин тури ҳам мудофаа, ҳам хужумни олиб бориши, жангчиларни саралаш ҳамда бутлаш тамойилларини, уларни рағбатлантириш тартиби, қўмондонларни ҳамкорликда жанговар фаолият юритиши каби ҳарбий бошқарувнинг муҳим компонентларини амалиётда қўллаганлиги билан улкан ҳисса қўшган.

Ўзбекистон давлат мустақиллигига эришгач, Ватаннинг бир неча минг йиллик ижтимоий-сиёсий тарихини объектив ва чуқур ўрганиш учун кенг имкониятлар туғилди. Айниқса, марказлашган Амир Темур салтанати, унинг ўзбек давлатчилиги ва маданий тараққиётидаги ўрни масалалари тарихчи, шарқшунос олимларимиз томонидан чуқур ўрганилиб, кўплаб манбалар ўзбек тилига таржима қилинди ҳамда нашр этилди.

Амир Темур тарихда қудратли давлат барпо этган буюк саркарда сифатидагина эмас, балки Мовароуннаҳр пойтахти бўлмиш Самарқандни ер юзининг чинакам маданий ва илмий марказларидан бирига айлантирган давлат арбоби сифатида из қолдирди. Бу улуғ зот қурдирган меъморчилик обидалари бугунги кунда ҳам жаҳон ҳамжамиятининг диққат-эътиборини ўзига жалб этиб келмоқда. Моҳир сиёсатчи, шижоатли саркарда, савдо-сотик, ҳунармандчилик ва маданият ҳомийси бўлган Амир Темур ўзига хос, адолатли қонунларга асосланган давлат барпо этди. Амир Темурнинг «Куч - адолатдадир, қаерда қонун ҳукмронлик қилса, шу ерда эркинлик бўлади» деган тамойили тарих саҳифаларида зарҳал ҳарфларда жой олди. Амир Темурнинг яна бир тарихий хизмати шундан иборатки, унинг ҳаракатлари туфайли Осиё ва Европа давлатлари тарихда биринчи марта ягона геосиёсий маконда эканликларини ҳис этдилар. Дипломатик ва савдо-сотик алоқалари учун янги йўللار ва имкониятлар очилди.

Бугунги кунда Ўзбекистон ва хорижда ўзбек давлатчилигининг энг муҳим босқичларидан бири - Амир Темур даври тарихини ўрганиш борасида салмоқли ишлар



қилинган. Ушбу йўналишдаги изланишларни янада чуқурлаштириш, Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг юрт тарихини ҳаққоний, адолатли, илмий-таҳлилий ўрганиш борасидаги сиёсатининг стратегик вазифаларидан бири сифатида кун тартибига қўйилган. Хусусан, «халқимизнинг тарихи ва бой маданияти, буюк аждодларимизнинг, энг аввало, Амир Темурнинг бебаҳо мероси, Ватан озодлиги ва фаровонлиги йўлида ўзини қурбон қилган замондош ватандошларимизнинг қаҳрамонлиги асосида, Ўзбекистон халқига содиқ, қатъий ҳаётий қарашлар ва фаол фуқаролик позициясига эга бўлган ўқувчиларни тарбиялаш» лозимлиги долзарб вазифа этиб белгиланган. Амир Темур тарихи ва «Темур тузуклари»ни ўрганиш ёшларимизда тарихий хотирани шакллантиришга, юртимиз тарихини билишга ва уни ҳурмат қилишга, уларда Ватанга муҳаббат ҳиссини шакллантиришга хизмат қилади.

Соҳибқирон яратган қудратли армия жаҳоннинг ўша вақтдаги энг илғор армияси сифатида тан олингани, кейинчалик ҳам буюк саркардалар, ҳарбий мутахассислар томонидан эътироф этилгани, бир неча асрлар мобайнида ибрат ва андоза вазифасини ўтагани ҳамда ҳарбий санъат тарихи сифатида кенг қўламда ўрганилгани бежиз эмас.

Китобнинг «Амир Темурнинг саркардалиқ маҳорати ва стратегик тафаккури» номли I-бобида Амир Темурнинг саркардалиқ маҳоратини илмий ўрганиш асосида эришилган натижаларидан ҳарбий таълим амалиётида турли тоифадаги командирларни тайёрлашда, жангчи шахсига қўйиладиган талаблар, командирлик қобилиятини, тезкор қарор қабул қилиш кўникмасини шакллантиришда тарихий-таълимий манба сифатида фойдаланиш муҳимлиги, Амир Темурнинг ҳарбий санъатини методологик тамойиллари, саркардалиқ маҳорати ҳарбий санъат тарихида камдан-кам учрайдиган феномен ҳисобланиши, унинг қўллаган стратегиялари жаҳон ҳарбий санъати тарихида алоҳида ўрин тутиши қайд этилган.

«Амир Темур салтанатига асос солиниши» номли II-бобида Амир Темур таваллуд топган даврдаги ижтимоий-сиёсий шарт-шароит, Темурбекнинг туғилиши, болалиқ кезларидаги муҳит, унинг жанговар йўли – ҳарбий ва саркардалиқ маҳорати шаклланиши билан боғлиқ даврий тадқиқотлар мобайнида йиғилган материаллар тадқиқ этилгани, шунингдек, Амир Темур мураккаб тарихий шахс бўлгани, унга бағишлаб ёзилган ёзма ҳужжатлар ва маълумотларнинг ранг-баранглиги, соҳибқирон сиймосига дунёнинг тадқиқот марказларидаги ҳар хил ёндашувлар, сиёсий-мафкуравий таъсирлардан ҳоли, мутлақлаштирилган шахс сифатидаги муболағавий улуғлашлардан йироқ бўлган илмий-амалий ёндашув билан ёритиб берилгани, тадқиқот мақсадидан келиб чиқиб, Амир Темур ҳаётининг бевосита ҳарбий санъат билан боғлиқ нозик жиҳатлари синчковлик билан воқеа-ҳодисаларнинг ўзаро боғлиқлик ва мослик томонлари қиёсий солиштириб ўрганилганлиги ёзилган.

Амир Темур ўз давлатининг хавфсизлигини таъминлаш ва минтақадаги сиёсий мавқеини кенгайтириш йўлида амалга оширган ҳарбий юришлар натижасида: 1381 йилда Хуросон ва унинг пойтахти бўлган Ҳирот шахри, 1381-1384 йилларда Эроннинг катта қисми, Сеистон, Озарбайжоннинг катта қисми ишғол этилгани келтирилган.

1386-1388 йилларда Озарбайжоннинг жанубий қисми, Ироқнинг шимолий қисми, Гуржистон ва Ван кўли атрофидаги ерлар забт этилиб, Амир Темурнинг бу урушлари тарихда «УЧ ЙИЛЛИК УРУШ»;



1392-1396 йилларда Ғарбий Эрон, Ироқ ва Кавказ ҳудудлари забт этилиб, Амир Темурнинг бу урушлари тарихда «БЕШ ЙИЛЛИК УРУШ»;

1399-1405 йилларда Шом (Сурия), Ироқ ва Туркиянинг катта қисми забт этилган. Тарихда «Анқара жанги» деб аталган жангда Амир Темур жаҳоннинг буюк саркардаларидан бири Султон Боязид Йилдирим устидан ажойиб ғалабани қўлга киритди. Сўнгра Амир Темур Измир шаҳри забт этилиб, Амир Темурнинг бу урушлари тарихда «ЕТТИ ЙИЛЛИК УРУШ» деб аталишлари қайд этилган.

Амир Темурнинг 35 йиллик ҳарбий юришлари натижасида буюк давлат ташкил этилгани, унинг таркибига Мовароуннаҳр, Хуросон, Хоразм, Каспий денгизи атрофидаги вилоятлар, Эрон, Туркия, шимолий Ҳиндистон, Ироқ, Жанубий Россия ва Ғарбий Осиёнинг бир қатор ҳудудлари киритилганлига алоҳида урғу берилган.

«Амир Темурнинг ҳарбий юришлари» номли III-бобида Амир Темур мустақил давлат барпо этган дастлабки йиллардан бошлаб Мовароуннаҳрда кучли, марказлашган ҳокимият ўрнатиш, мамлакат хавфсизлигини таъминлаш ва ўша даврларда Мовароуннаҳрнинг ажралмас қисми деб ҳисобланган ерларни қайта қўшиб олишни ўз вазифаси, деб билгани;

Мўғулистон (Жете) ва Хоразм юришлари тўғрисида яъни, 1371 йилда Амир Темур Хоразмга қўшин тортиб, Гурганжга бориш учун Қиёт шаҳри орқали ўтиш керак эди, бу шаҳар бир оз қаршилиқ кўрсатгандан кейин Амир Темур қўшини томонидан ишғол қилингани, Амир Темур 1371, 1373, 1375, 1379 ва 1388 йилларда беш маротаба Хоразмга ҳарбий юришлар уюштириб, охириги ҳарбий юриш натижасида Хоразм тамоман мағлуб бўлгани ва шу даврдан бошлаб Хоразм Амир Темур давлати, кейинчалик эса темурийлар давлати таркибида бўлгани ҳақида маълумотлар келтирилган.

Амир Темурнинг Мўғулистонга қарши кураши ўн тўққиз йил (1371-1390) давом этиб, бу курашда у аввал Анқо тўра, сўнгра амир Қамариддинга қақшатқич зарба бергани, лекин мўғулларнинг Сирдарё бўйлари ва Фарғона водийсига хужумлари такрорланиб тургани ҳамда Амир Темурнинг Мўғулистонга охириги юриши 1389-1390 йилларга тўғри келгани, шу билан бирга Амир Темур давлати ва юришларининг тарихи расмда намоён этилган.

«Амир Темур салтанатида қўшин тузилиши ва унинг таркиби», «Амир Темурнинг ҳарбий тактика ва стратегияси, урушга тайёргарлик, ҳарбий ҳаракатлар жараёнидаги уруш тактикаси ва ҳийлалари», «Амир Темур салтанатида муҳофаза ва хавфсизлик», «Амир Темур давлати рамзлари», «Амир Темур қўшинларининг қуролланиши, қурол-аслаҳалари ва кийим-кечаги, моддий таъминоти», «Амир Темур қўшинида ҳарбий лавозим ва унвонлар бериш, рағбатлантириш тартиби», «Амир Темур даврида қўшиндаги тартиб-интизомни таъминлаш тизими каби мавзулар кўргазмали расмлар, хариталар, қўлёзмалар асосида батафсил ёритилган.

Китобда хотима, адабиётлар рўйхати, Соҳибқирон Амир Темурга нисбатан қўлланилган фахрий унвонларнинг номлари, Соҳибқирон Амир Темурнинг беш йиллик юриши хронологияси, Амир Темурнинг Ҳиндистон юриши хронологияси (1398-1399) ва Соҳибқирон Амир Темурнинг етти йиллик юриши хронологияси йил, ой ва кун кетма-кетлигида, аниқ рақамларда акс эттирилган, Амир Темур саркардалари



сафининг иерархик кўриниши мансаб, лавозим, рутба ва унвонлар ҳақида маълумотлар келтирилган, Амир Темур давридаги ҳарбий атамаларга батафсил изоҳлар берилган.

Мазкур китоб ўқувчилар томонидан катта қизиқиш кутиб олинишига ва Амир Темур ва темурийлар тарихи билан қизиқадиган кенг жамоатчиликнинг ўқиши ва тарғиб қилишда дастуриламал бўлиб хизмат қилишига ишонаман.

Муаллифлар томонидан тайёрланган «Соҳибқирон Амир Темур ҳарбий санъати» илмий-оммабоп китоби биз учун жуда муҳим бўлган бой маълумотларни ўз ичига қамраб олганлиги билан муҳим аҳамиятга эга ҳамда китобларни тайёрлаш талабаларига тўлиқ жавоб беради деб ҳисоблайман.

Ушбу «Соҳибқирон Амир Темур ҳарбий санъати» илмий-оммабоп китоби биз учун жуда муҳим бўлган бой маълумотларни ўз ичига қамраб олганлиги билан муҳим аҳамиятга эга ва мазкур китобни «Темур тузуклари» китоби билан (параллел) солиштирма тарзида ўрганиш ўқувчида ҳали аниқ очилмаган жуда катта муҳим, реалликка молик маълумотларга эга бўлишига имконият яратишига ишонамиз.

References:

1. Р.Самадов, С.Ахроров, Ж.Холмўминов, С.Садриддинов Соҳибқирон Амир Темур ҳарбий санъати. – Тошкент: «Маънавият», 2022. – 280 б.
2. Ахмедов Б. Амир Темур. Тошкент, Абдулла Кодирӣ, 1995.
3. Абдураҳмонов А. Темур ва Тўхтамиш. – Тошкент: «Нур», 1992. Тошкент: «Ғафур Ғулом» нашриёти, 2000.
4. Амир Темур ўғитлари. Тошкент, Навруз, 1996.